

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАЎБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАЎБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

МАМАТҚУЛОВА КИМЁХОН АБДУЖАЛИЛОВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭҲТИЁЖЛАРГА
АСОСЛАНГАН МАЛАКА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 - Таълимда менежмент

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Маматкулова Кимёхон Абдужалиловна

Умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигини
оширишда эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини 3
такомиллаштириш.....

Маматкулова Кимёхон Абдужалиловна

Совершенствование механизмов повышения квалификации, основанных
на потребностях директоров общеобразовательных школ в повышения 23
эффективности управления

Mamatqulova Kimyoxon Abdujalilovna

Improving the need-based professional development mechanisms in
increasing the management efficiency of secondary school principals 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 48

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАЎБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАЎБАР ВА МУТАХАССИС
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

МАМАТҚУЛОВА КИМЁХОН АБДУЖАЛИЛОВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭҲТИЁЖЛАРГА
АСОСЛАНГАН МАЛАКА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 - Таълимда менежмент

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped510 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.avloniy.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирсолниева Мухаббат Тухтасиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Вахобов Маъруфжон Маликович
педагогика фанлари доктори

Акрамова Шахноза Аброровна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Чирчиқ давлат педагогика институти


Диссертация ҳимояси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» февраль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; e-mail: avloniy@xtv.uz).


Диссертация билан Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16639 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.

Диссертация автореферати 2021 йил «22» январь куни таркатилди.
(2021 йил «22» январь даги 7 - рақамли реестр баённомаси).




М.А.Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор


Ф.Э.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, с.ф.д., доцент


Ш.Н.Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, рақобатбардош ва профессионал кадрларни тайёрлашда таълим муассасаси раҳбарларининг замонавий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса малака ошириш тизимига замонавий ёндашувларни жорий этган ҳолда раҳбар кадрларнинг бошқарув компетенцияларини доимий ривожлантиришни талаб этмоқда. Дунёнинг етакчи давлатларида таълим тизими ходимларининг малакасини ошириш жараёнида эҳтиёжга асосланганлик тамойиллари устувор бўлиб, амалиётда анъанавий малака ошириш билан бир қаторда, уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган, масофавий шакллари жорий этилган.

Ҳозирда дунёдаги етакчи илмий тадқиқот марказларида мактаб директорларининг малакасини оширишга оид илмий тадқиқотлар таълим муассасасини бошқариш ва натижага эришиш учун зарур бўладиган компетенцияларни аниқлашга устоворлик бермоқда. Мазкур тадқиқотлар таълим муассасалари раҳбар кадрларининг касбий билимларини ва амалий кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, уларнинг таълимни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги малакаларини ошириш, бошқарув компетенцияларини ривожлантириш моделларини такомиллаштириш муаммоларига қаратилган.

Мамлакатимизда халқ таълими тизими малака ошириш жараёнидаги ислохотлар раҳбар ва педагог ходимларнинг малака даражаси, бошқарув-педагогик салоҳияти, индивидуал касбий ривожланиш траекторияси ва иш тажрибасидан келиб чиқиб, эҳтиёжларга асосланган малака ошириш дастурларини амалиётга жорий этишга қаратилган. Ислохотларда “халқ таълими ходимларининг касбий эҳтиёжларини ташхис қилиш асосида уларнинг индивидуал ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва дастурга мувофиқ малакасини ошириш тартибини амалиётга киритиш”¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар халқ таълими тизимида раҳбар ва педагог кадрлар малакасини оширишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш билан биргаликда “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида узлуксиз малака оширишни назарда тутувчи тизимга айлантириш, хусусан, умумтаълим мактаб директорлари(кейинги ўринларда мактаб директорлари) малакасини ошириш назарияси ва амалиёти билан боғлиқ илмий тадқиқотларни олиб боришни кун тартибига қўймоқда. Шу нуқтаи назардан, мактаб директорларини даврий белгиланган муддатда эмас, узлуксиз малакасини ошириш, уларнинг компетентлигига қўйиладиган давлат ва жамият талабларини классификациялаш, бошқарув

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884 сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 07/20/4884/1484-сон.

самарадорлигини оширишда эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим тизими раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш шунингдек, малака оширишнинг назарий, педагогик-психологик ва ижтимоий асослари, таълим сифати менежментини такомиллаштириш, умумий ўрта таълим мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлиги, таълим сифати бошқарувини такомиллаштириш каби масалалар республикамиз етакчи педагог-олимлари Ж.Йўлдошев, М.Юлдашев, Ш.Саидкулов, М.Яхъяев, Ш.Пахрутдинов, Н.Раҳманкулова, М.Мирсолиева, А.Асқаров, А.Ибрагимов, Д.Маматкулов, М.Аҳмедов, Д.Темиров, Д.Пўлатова, Ғ.Отамуродов, М.Инназаров, Э.Норбоев, М.Умаров ва бошқаларнинг тадқиқотларида, МДХ олимларидан эса, В.Сапунов, В.Гаргай, О.Орлова, Н.Джемилева, Т.Цырлина, Ю.Демёшина, Ю.Куликовалар ҳамда хориж олимларидан П.Беланже, J.Renton, В.Ханиш, S.Feiman-Nemser, P.Norman ва Н.Chioutланинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Эҳтиёж тушунчасининг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, психологик таҳлили республикамиз олимлари А.Ўлмасов, И.Қосимов, Б.Иминов, З.Асрарова, М.Нормуратова, А.Мухтаровлар томонидан, МДХ олимларидан А.Здравомыслов, С.Сухорукова, Е.Свинин, М.Петровская, А.Ястребова, И.Молчанов, И.Беляев ва Г.Левинлар томонидан ҳамда хориж олимлари А.Маслоу, К.П.Альдерфер Д.М.Клелландлар томонидан амалга оширилган.

Малака ошириш мазмунига вариатив ёндашувнинг назарияси ва амалиёти масалалари Р.Бакли, Дж. Кэйпл, В.Коновальчук, О.Бачина, О.Кочергина, Е.Прасолова, С.Богдонова, С.Бережная, юртимиз олимлари Р.Ахлиддинов, Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалиловлар тадқиқотлари орқали ўрганилган.

Мавжуд назарий манбаларда мактаб директорларининг малака ошириш механизмларини такомиллаштириш масалалари, жумладан: малака оширишга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, улар асосида вариатив дастурларни ишлаб чиқиш, малака ошириш самарадорлигини касбий-амалий фаолият натижаларига асосланиб аниқ кўрсаткичлар асосида аниқлаш масалалари етарлича тадқиқ этилмаганлиги бу борада илмий тадқиқот ишларини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2016-0910145757-қайд рақамли – “Халқ таълими ходимларининг малака ошириш курсларидан кейинги фаолиятларини педагогик қўллаб-қувватлаш технологияларини ишлаб чиқиш” ҳамда ЮНИСЕФ ташкилоти гранти асосида бажарилаётган “Халқ таълими педагог кадрларининг касбий стандарти ва малака андозаларини ишлаб чиқиш” мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигини оширишда эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигини оширишда эҳтиёжларга асосланган малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг назарий-методологик жиҳатларини тадқиқ этиш;

умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва малака талаблари асосида компетентликнинг объектив ҳолатини (таянч, касбий-бошқарув, ижтимоий-маданий) аниқлаш орқали малака ошириш мазмунини белгилаш;

умумтаълим мактаб директорларининг компетентлилик даражасидан келиб чиқувчи касбий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

умумтаълим мактаб директорларининг малака ошириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигини оширишда эҳтиёжларга асосланган малака ошириш мазмуни, шакллари, услуги, ташкилий-педагогик омиллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кузатиш, суҳбат, анкета сўровлари, анализ-синтез, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил, тест (ўқув ва ташхис тестлари), тажриба-синов натижаларини математик-статистик таҳлил этиш, педагогик мониторинг каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув компетенцияси мазмуни мавжуд тенденцияларга асосланган ўсиб боровчи талаблар

(интеграциялашув, ахборотлар трансформацияси, мактаб таълимидаги стратегик мақсадлар)дан келиб чиққан ҳолда динамик ўзгарувчан эканлиги илмий-педагогик жиҳатдан асосланган;

умумтаълим мактаб директорларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш механизми бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва малака талаблари асосида компетентликнинг объектив ҳолатини (таянч, касбий-бошқарув, ижтимоий-маданий) аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш жараёнини ташкил этиш механизми компетентлилик даражасидан келиб чиқувчи касбий ривожлантириш дастурлари орқали ўқитишни ташкил этиш асосида такомиллаштирилган;

даврийликка асосланган малака ошириш тизимини мактаб директорлари учун курслардан кейинги касбий-амалий фаолият натижалари асосида табақалаштирилган-даражали сертификатлаш тартибини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ҳалқ таълими тизими раҳбар ходимлари малакасини оширишни ташкилий тартиби (қабул қилиш, ташҳис қўйиш, баҳолаш) босқичлари мактаб директорларининг касбий ва бошқарув эҳтиёжлари устуворлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

мактаб директорларининг малака ошириш механизмини такомиллаштириш учун мавжуд назарий ва амалий муаммолар аниқланган, амалдаги малака ошириш механизми таҳлил қилинган, илмий-амалий тадқиқотлар натижасида мактаб директорларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаштиришга таъсир этувчи омиллар (иш тажрибаси, касбий ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган мотивлар, бошқарув соҳасидаги қийинчиликлар ва компетенциявий бўшлиқлар) ва ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш асосида малака ошириш буюртмаларини шакллантириш амалиёти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар ёрдамида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактаб директорларининг бошқарув ва касбий эҳтиёжлари асосида малакасини оширишни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш, эҳтиёжларга асосланган малака ошириш мазмуни ва ташкил этиш босқичларини такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материалларидан мактаб директорларининг малака ошириш механизмларини такомиллаштиришда жумладан, малака ошириш жараёнига талаб ва таклиф, “эҳтиёжга

асосланганлик” тамойилларини киритиш, касбий ривожлантирувчи дастурлар асосида малака ошириш жараёнини йўлга қўйиш, яқуний атестация талабларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигини оширишда эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув компетенцияси мазмуни мавжуд тенденцияларга асосланган ўсиб борувчи талаблардан келиб чиққан ҳолда динамик ўзгарувчан эканлигига доир илмий таклифлар асосида Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 10 декабрдаги 396-сон буйруғи билан тасдиқланган “Умумтаълим мактабларида таълим сифатини оширишда тизим масъул ходимларининг асосий вазифалари бўйича тавсиянома”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 02-02/4-1125-сон маълумотномаси). Натижада, малака ошириш таълим мазмуни мактаб директорларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйилган талаблар асосида такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаб директорларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш механизми бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ҳамда малака талаблари асосида компетентлиликнинг объектив ҳолатини (таянч, касбий-бошқарув, ижтимоий-маданий) аниқлаш орқали такомиллаштиришга доир илмий таклифлар асосида Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 10 декабрдаги 396-сон буйруғи билан тасдиқланган “Умумтаълим мактабларида таълим сифатини оширишда тизим масъул ходимларининг асосий вазифалари бўйича тавсиянома” ишлаб чиқилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 02-02/4-1125-сон маълумотномаси). Натижада, мактаб директорларининг малака ошириш мазмунини шакллантиришнинг эҳтиёжларга асосланган ҳолда ташкил этилиши йўлга қўйилган;

умумтаълим мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш жараёнини ташкил этиш механизми компетентлилик даражасидан келиб чиқувчи касбий ривожлантириш дастурлари орқали ўқитишни ташкил этиш орқали такомиллаштиришга доир илмий таклифлар асосида Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 27 апрелдаги 110-сон буйруғи билан тасдиқланган “Халқ таълими ходимларининг онлайн ва офлайн шаклларда масофадан малака оширишини ташкил этиш бўйича муваққат йўриқнома” ишлаб чиқилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 02-02/4-1125-сон маълумотномаси). Натижада, мактаб директорларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжлари аниқланган ҳолда масофадан онлайн ва офлайн шаклларда ўқитиш йўлга қўйилган;

даврийликка асосланган малака ошириш тизимини мактаб директорлари учун курслардан кейинги касбий-амалий фаолият натижалари асосида табақалаштирилган-даражали сертификатлаш тартибини жорий этишга доир

таклифларидан “Халқ таълими тизими раҳбар, мутахассис ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш курслари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ҳамда халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимлари малакасини ошириш курслари тингловчиларининг якуний аттестациясини ўтказиш тартиби”ни такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 02-02/4-1125-сон маълумотномаси). Натижада, малака ошириш курси сертификатларини мактаб директорларининг курсдан кейинги “Йўл харитаси” ижроси (6 ойлик фаолияти) натижалари асосида бериш амалиёти жорий этилган;

тадқиқот натижаларидан Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 9 мартдаги 74-сон буйруғига асосан умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлашда, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази ва ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликдаги 2019 йил 10 декабрдаги № 01/11-01/01-2556 (РТМ) ва №591 (ЮНИСЕФ) рақами билан рўйхатга олинган “Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш” номли лойиҳаси доирасида яратилган Миллий ўқув дастури лойиҳа материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 02-02/4-1125-сон маълумотномаси). Натижада, мактаблар учун мўлжалланган Миллий ўқув дастурини замонавий талаблар асосида ишлаб чиқиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот доирасида жами 12 номдаги илмий иш, жумладан Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий этилиши ва эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Умумтаълим мактаб директорларининг малака ошириш механизмларини эҳтиёжлар асосида такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари” деб номланиб,

унда эҳтиёж тушунчаси ва унинг пайдо бўлиш тарихи, таълим жараёнидаги эҳтиёжларнинг мазмуни ва мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигини таъминловчи омиллар, малака ошириш жараёнини эҳтиёжларга асосланган ҳолда ташкил этиш зарурати, халқ таълими тизимида малака ошириш жараёнининг даврларга хос хусусиятлари, услуби ва мазмуни ҳамда эҳтиёжларга асосланган малака ошириш жараёнини ташкил этишдаги халқаро тажрибалар ёритилган.

Илмий педагогик адабиётлар таҳлилидан кўринадикки, бошқарув самарадорлиги фаолиятни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва натижанинг ўзаро уйғунлигида намоён бўлади. Умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлиги замонавий талаблар асосида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш, таълим сифати ва мактаб рейтингини оширишга қаратилган фаолият кўрсаткичлари билан белгиланади. Бошқарув самарадорлигини оширишда мактаб директорининг бошқарув компетенцияси муҳим таркибий қисмлардан саналади. Бизнинг фикримизча, умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув компетенцияси фаолият соҳасидаги мавжуд тенденцияларга асосланган ўсиб боровчи талаблар (интеграциялашув, ахборотлар трансформацияси, мактаб таълимидаги стратегик мақсадлар)дан келиб чиққан ҳолда динамик ўзгарувчан характерга эга. Бунда мактаб директорининг бошқарув компетентлиги таълим менежментининг илғор усуллари, шакллари ва воситаларидан оқилона фойдаланган ҳолда таълим-тарбия жараёнлари самарадорлиги, сифатини ошириш кўникмасига эга бўлишида намоён бўлади.

Умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув компетенциясини ривожлантиришда эҳтиёжларга асосланган малака ошириш муҳим механизмлардан бири саналади. Эҳтиёж тушунчаси бир неча мезонларга кўра тасниф қилинади. Жумладан, объектига қараб эҳтиёжларнинг биологик, моддий-иқтисодий, руҳий-маънавий турлари фарқланади². Демак, эҳтиёжлар турли хил кўринишларда намоён бўлиб, шахс эҳтиёжлари, давлат ва жамият эҳтиёжларига бўлинади. Эҳтиёж тушунчасини табиат, жамият ва инсон моҳиятидан ажратиб бўлмайди. У табиат, жамият ва инсон моҳиятида табиий равишда мавжуд бўлади. Шунинг учун, жамият ривожлангани сари инсонлар эҳтиёжи ҳам ортиб боради ва уни қондиришга бўлган талаб ортидан эса, самарали меҳнат қилиш зарурати вужудга келади.

Таълим эҳтиёжлари эса, тараққиётга замин яратадиган эҳтиёж ҳисобланади. Бу эҳтиёж бошқа (масалан, иқтисодий) эҳтиёжлардан фарқли ўлароқ фақат қондирилибгина қолмасдан қайтар алоқа реакциясини ҳам ҳосил этадиган эҳтиёж тури ҳисобланади. Бу дегани жамиятда таълим эҳтиёжи қанча катта бўлиб, шунча қондирилса, бу жараён қисқа муддатларда ўзининг самарали, қайтар алоқа реакциясини ҳам содир этиб, жамиятнинг барча соҳаларини тараққий этишига таъсир кўрсатади.

² Фалсафа энциклопедик луғати / муаллифлар Абдуллаева М.Н ва бошқ. - Т.: «Давлат илмий нашриёти», 2010. – 321- бет.

Хорижий мамлакатларда таълим соҳаси ходимларининг малакасини ошириш асосан эҳтиёжга асосланган ҳамда табақалаштирилган ҳолда ташкил этилиши билан аҳамиятлидир. Масалан, Германияда, айнан мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнида ҳеч қандай марказлашув, режалаштириш қўлланилмайди. Аксинча, ушбу мамлакатда мактаб директорларининг малакасини ошириш эҳтиёжга асосланган ва индивидуал тарзда ташкил этилади.

Австрияда мактаб директорларини малакасини оширишни аниқ тартиби ва муддатлари бўлсада, унда мажбурийлик устувор эмас. Бу жараён кўпроқ мактаб раҳбарларининг таълимий эҳтиёжи ҳамда шахсий мотивациясига асосланади. АҚШ эса, мактаб раҳбарлари малакасини ошириш марказлашган ҳамда номарказлашган ҳолда номоён бўлади. Бу мамлакатнинг ушбу соҳадаги яна бир ўзига хослиги шундаки, малака ошириш жуда мослашувчан бўлиб, бу соҳага кўплаб янги метод ва технологияларни кириб келишига имкон беради.

Тадқиқот жараёнида халқ таълимида малака оширишнинг ривожланиш босқичлари муаллифлик ёндашуви асосида тўртта даврга бўлган ҳолда таснифланди. Республикамизда халқ таълими раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш жараёни ўзига хос хусусиятлар билан ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб ривожлана бошлаган. Мазкур жараённи илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилганда тадқиқот ишида муаллифлик нуқтаи назари билан шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин. Улар:

1) 1920-1950-йиллар – Малака ошириш муассасаларининг шаклланиш даври;

2) 1950-1990-йиллар – Малака ошириш муассасалари фаолиятини ривожланиш даври;

3) 1990-2016-йиллар – Малака ошириш муассасалари фаолиятида мустақиллик зояларига мослашиш ва ихтисослашув даври;

4) 2017 ва ундан кейинги йиллар – Малака ошириш муассасалари фаолиятида халқаро алоқаларга киришиш ва такомиллашиш даври.

Таъкидлаш керакки, халқ таълими ходимларини малакасини ошириш жараёнининг шаклланиш тарихини даврлаштириш, нисбий ва муаллифлик ёндашувига асосланган бўлиб, унда мамлакатимизда малака ошириш муассасалари фаолиятининг тарихи, услуби ва мазмуни эътиборга олинган. Жумладан, биргина тўртинчи босқич – ҳозирги давр (2017 ва ундан кейинги йиллар)га тўхталадиган бўлсак, халқ таълими раҳбар ходимларини малакасини ошириш масаласида ютуқлар билан бирга қуйидаги камчиликлар аниқланди улар:

– малака ошириш ҳозирда ҳам даврийлик ва режага асосланган ҳолда қолаётганлиги;

– малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг эҳтиёжлари аниқланмаётганлиги;

– малака ошириш ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқишда дифференциал ва вариатив ёндашувларнинг йўқлиги;

– малака ошириш масаласида хорижнинг илғор тажрибаларига мурожаат қилиш ва уларни республикаимиз таълим тизимига жорий этиш амалиётининг етарли эмаслигида намоён бўлмоқда.

Бизнинг фикримизча, замонавий тадқиқотлар асосида мактаб директорларининг малакасини ошириш жараёнини эҳтиёжларга асосланган ҳолда такомиллаштиришга эришиш мактаб директорининг бошқарув самарадорлигини ортишига, малака оширишга ажратилаётган давлат маблағларини манзилли сарфлаш, вақт ва моддий ресурсларни тежаш, талаб-таклиф тамойили асосида билимлар трансформациясини таъминлаш, малака ошириш самарадорлигини ошириш имконини беради.

“Умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигини оширишда эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини такомиллаштириш” деб номланган иккинчи бобда мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилиб, малака талаблари асосида компетентликнинг объектив ҳолати аниқланган ҳамда мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш жараёнининг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари ёритиб берилган.

Таълимдаги трансформацион жараёнларда таълим мазмунини янгилаш мақсадида компетенциявий ёндашувни жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, мактаб директорларининг компетенцияларига қўйилган талабларни орттирмоқда. Бугунги глобаллашув ва ахборот хуружи даврида мактаб директорларининг касбий ва шахсий сифатлари таълим муассасаси олдида қўйилган мақсадларга эришиш ва унинг истиқболини белгилашга хизмат қиладиган илғор ғояларни амалга ошириш ҳамда жамоа аъзоларининг ҳамкорликдаги инновацион фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг касбий тажриба, кўникма ва малакаларининг шаклланиб бориши бир томондан уларнинг функционал вазифаларини бажариши жараёнида вужудга келаётган вазиятларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, уларнинг шахсий хусусиятлари ва сифатларига ҳам бевосита алоқадордир. Шу нуқтаи назардан, мактаб директорларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлашда уларнинг компетенцияларига қўйилаётган бугунги давр талабларини инобатга олиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Эмпирик ўрганишлар жараёнида мактаб директорларида ўз-ўзини таҳлил қилиш, рефлексив компетенцияларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги кузатилди. Уларнинг бошқарувида умумий қолипнинг мавжудлиги, яъни, доимий иш тақсимлаш, бажарилишини назорат қилиш каби вазифалар кундалик фаолиятида асосий мезонга айланиб қолганлиги аниқланди.

Тадқиқотимиз жараёнида мактаб директорларининг малака талаблари асосида компетентлигини белгиловчи индикаторлар орқали касбий-шахсий ривожланиш даражаси ўрганилди. Жумладан:

- ўз фаолиятининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил эта олиши;

- ўз имкониятларини баҳолаши ва бошқарув фаолиятида самарадорликка эришишга мотив, эҳтиёж, имкониятларни сеза олиш даражаси;

- фаолиятини тўғри ташкил этишга таъсир кўрсатувчи салбий омилларни аниқлай олиш қобилияти.

Сўровномалар, тест ва вазиятли топшириқлар таҳлили асосида айтишимиз мумкинки, мактаб директорларида англандан ва англандан эмман эҳтиёжлар мавжуд. Олиб борилган эмпирик таҳлиллар ҳамда сўровномалар натижаларига кўра мактаб директорлари учун бугунги кунда энг устувор бўлиб турган фаолият йўналишлари аниқланди ва улар муҳимлилик даражасига кўра тавсифланди. Мактаб директорларига қўйилаётган талаблари асосида эса, компетентликнинг объектив ҳолати аниқланди (1-расм).



	Компетентлик даражаси		
	Респондентлар сони (4800)		
	юқори	ўрта	паст
M1	12 %	60,4 %	27,4 %
M2	12,1 %	8,2 %	79,7 %
M3	33,3 %	15,4 %	51,3 %
M4	22,2 %	10,2 %	67,6 %
M5	26,6 %	39,5 %	33,9 %
M6	14,7 %	29,1 %	56,7 %
M7	16,2 %	25,8 %	58 %
M8	30,4 %	33,3 %	36,3 %
M9	12 %	18,7 %	69,3 %
M10	36,6 %	43,7 %	19,7 %

1-расм. Мактаб директорлари учун бугунги кунда энг устувор бўлиб турган фаолият йўналишлари ва шу йўналишлар бўйича компетентлик даражаси

Тадқиқотлардан ҳар бир мактаб директорлари алоҳида шахс эканлиги, бир хил бошқарув фаолиятидаги қийинчиликларга эга бўлган тингловчилар гуруҳини шакллантириш жуда мураккаб вазифа эканлиги маълум бўлди. Чунки, уларнинг сони неча нафарни ташкил этса, малака оширишга бўлган эҳтиёжлари ҳам турли фаолият йўналишларига мос келади. Шунинг учун уларни компетентлик даражасидан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишли-тоифаларга ажратиш таклиф этилди:

таянч-умумий билимларга бўлган эҳтиёжлар (I-категория) – асосан бошқарув фаолиятини ташкил этиш доирасидаги таянч компетенциявий

билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш, мактаб бошқарувидаги фундаментал билимларни ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги;

касбий-бошқарув соҳасидаги эҳтиёжлар (II-категория) - инфор­мацион-репродуктив даражадаги билимлар, бошқарув соҳасининг хусусий фаолият турлари бўйича тўлдирувчи, ривожлантирувчи малакаларга эга бўлиш эҳтиёжининг мавжудлиги;


ижтимоий-маданий, махсус эҳтиёжлар (III-категория) - давр талабларидан келиб чиқиб инновацион фаолликни ривожлантириш, бошқарув фаолиятида инновацион-креатив даражага эга бўлиш, лидерлик, коммуникативлик, лойиҳаларни бошқариш, зиддиятларни бошқариш, креатив қарорлар қабул қилиш бўйича малакаларни ўзлаштириш эҳтиёжининг мавжудлиги.

Амалда мактаб директорлари ҳар 3 йилда бир марта мажбурий (144 соатлик) малака оширишга жалб этилади. Бу жараёнда мактаб директорларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилмаган ҳолда, малака ошириш ўқув дастурлари буюртмачиларнинг иштирокисиз институтнинг тор доирадаги мутахассислари томонидан ишлаб чиқилади. Натижада, малака оширишга ягона менежерлик курси ўқув режаси асосида компетентлилик даражаси турлича бўлган мактаб директорлари бир хилда жалб этилмоқда. Тадқиқотларимиз давомида амалдаги малака ошириш жараёнида мактаб директорларининг бошқарув ва касбий эҳтиёжлари инобатга олинган, деб ҳисоблайсизми?–деган саволга 4800 нафар мактаб директорларидан иборат респондентларнинг 97,25 % йўқ деб жавоб берган. Берилган жавобларни таҳлил этадиган бўлсак, иш тажрибаси 2 йилдан-5 йилгача бўлган респондентларда малака оширишга бўлган эҳтиёжлар траекториясининг кенглиги, асосан касбий бошқарув ва инновацион фаолликни ривожлантиришга қаратилган эҳтиёжларнинг устунлиги аниқланди. Бошқарув фаолиятидаги иш тажрибаси кам бўлган респондент тингловчиларда эса аксинча, амалдаги тизимдан қониқиш ҳамда умумий эҳтиёжлар доирасининг устунлиги кузатилди.

Дарҳақиқат, кузатишлардан шундай хулосага келиш мумкинки, мактаб директорларининг ҳаммаси ҳам мустақил равишда малака оширишга эҳтиёж сезиш, бошқарув фаолиятидаги бўшлиқларни англаб етиши, ўз-ўзини ривожлантириш стратегияларини белгилай олмайди. Шунинг учун, мактаб директорларининг бошқарув ва касбий эҳтиёжларини узлуксиз диагностик тизими (электрон портфолио, КРІ кўрсаткичлари, ассессмент марказлари)ни амалга ошириш ва мониторингини олиб боришга хизмат қилувчи инновацион дастурий таъминотни амалиётга жорий этиш зарур.

Диссертацияда мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмини такомиллаштириш модели таклиф қилинди (2-расм). Ушбу моделда малака ошириш тизими иштирокчиларининг эҳтиёжларини давр талаблари асосида ўрганиш, мактаб директорларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, эҳтиёжларга асосланган касбий ривожлантирувчи ўқув режа ва дастурлар, ўқув методик таъминотни ишлаб

чиқиш, ўқитишнинг дидактик воситаларини танлаш ва самарадорлигини аниқлаш каби асосий вазифалар белгиланган.



2-расм. Мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмини такомиллаштириш модели

Амалда мактаб директорларининг малакасини ошириш таълими самарадорлиги малака ошириш курси (бир ой давоми)да олган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш орқали амалга оширилмоқда. Тадқиқот жараёнида мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш самарадорлигини аниқлаш уларнинг малака ошириш курсларидан кейинги касбий-амалий фаолият натижасига боғлиқ эканлиги ҳамда фаолият

натижаларини таҳлил қилиш орқали мактаб директорларининг бошқарув натижадорлигини аниқлаш ва малака ошириш курсининг самарадорлигини баҳолаш мумкин эканлиги илмий-педагогик жиҳатдан асосланди. Шунингдек, мактаб директорларининг малака ошириш курсидан кейинги бошқарув фаолияти таҳлилин аналга ошириш ва баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилди(1-жадвал).

1-жадвал

Мактаб директорларининг малака ошириш курсидан кейинги фаолиятини баҳолаш индикаторлари

	Мактаб директорларининг малака ошириш курсидан кейинги фаолият самарадорлигини аниқлаш индикаторлари	Асословчи тегишли расмий ҳужжатлар
1	Малака ошириш курси якунига кўра ўзи раҳбарлик қилаётган муассасасининг таълим сифатини ошириш юзасидан кейинги истиқболли фаолияти бўйича тузилган “Йўл харитаси”нинг баҳоланиши	Далолатнома, статистик таҳлил материаллари (юқори ташкилот томонидан тасдиқланган) молиявий ҳисоб-шартномалари, банк тушумлар варақаси, тасдиқланган ҳужжат ва бошқалар
2	Муассаса педагогик салоҳиятининг ўсиши (олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар улушининг аввалги ва мавжуд ҳолати қиёсий таҳлили)	
3	Таълим муассаса моддий техника базасини такомиллаштириш ва педагогларни меҳнат фаолиятини босқичма-босқич рағбатлантириш мақсадида кўшимча маблағлар ишлаб топиш (аввалги ва мавжуд ҳолат қиёсий таҳлили)	
4	Ўқувчиларнинг ОТМга кириш даражасининг ўсиши (аввалги ва мавжуд ҳолат қиёсий таҳлили)	
5	Таълим муассасасида ҳамкор чет эл ташкилотларини жалб қилган ҳолда қисқа муддатли мақсадли ўқув семинарлар ташкил этиш (йилига камида бир марта)	
6	Билимлар беллашуви, олимпиада ва турли танловларда ўқувчиларнинг натижалари (аввалги ва мавжуд ҳолат қиёсий таҳлили)	
7	ОАК эътироф этган журналда илмий мақола чоп этиш (ўзи раҳбарлик қилаётган муассасада ўқувчиларнинг билим даражаси ва эҳтиёжларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба синов натижаларини ёритган ҳолда)	
8	Таълим сифатини оширишга қаратилган лойиҳалардаги иштироки	
9	Фан ўқитувчиларининг касбий эҳтиёжларидан келиб чиқиб мақсадли ўқувлар ташкил этиш (ҳар чоракда)	
10	Жамоатчилик билан ишлаш (ота-она, маҳалла, ички ишлар, ҳокимият, диний ташкилотлар) билан ҳамкорликда ўқув-амалий семинар ташкил этиш (ҳар чоракда)	
11	Илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётганлини асословчи ҳужжат	

Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда мактаб директорларига менежерлик сертификатлари улар томонидан ўзи раҳбарлик қилаётган муассасасининг таълим сифатини ошириш ва кейинги истиқболли фаолиятини режалаштириш бўйича тузилган “Йўл харитаси” (мактаб директорининг малака ошириш курсларидан кейинги 6 (олти) ойлик фаолияти таҳлиллари асосидан) бўйича амалга оширган ишлари ва натижадорлигига қараб бериш амалиёти йўлга қўйилди. Бизнингча, мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш самардорлигини аниқлаш учун, курсдан кейинги фаолиятининг самарали, қониқарли ва қониқарсиз даражалари аниқланиб, I, II ва III табақалаштирилган-даражали сертификат тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг “Умумтаълим мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишлари”, деб номланган учинчи бобида мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини такомиллаштиришга оид педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари ва натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Тадқиқот иши тажриба-синов ишларини тўғри ташкил этиш мақсадида дастлаб тажриба-синов дастури ишлаб чиқилди ва унинг мақсад, вазифалари белгилаб олинди. Тажриба-синов ишининг мақсади мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини такомиллаштириш йўналишларидаги илмий ёндашувларнинг самарадорлик даражасини математик-статистик таҳлил усуллари орқали баҳолаш ҳамда натижаларни амалиётга татбиқ этишдан иборат этиб белгиланди.

Аниқловчи-таъкидловчи босқич - мактаб директорларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмини такомиллаштириш учун бажариладиган вазифаларни бажариш ва малака оширишнинг самарали тизимини амалиётга жорий этиш учун юзага келадиган назарий ва амалий муаммоларни аниқлаш, амалдаги малака ошириш механизмини таҳлил қилиш имконини берди.


